



Муносабат

ИККИ УСТУНГА ТАЯНАМИЗ:

КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ



Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари, энг аввало, ўзининг миллий маънавиятига асосланган омиллар асосида иш олиб боради. Дунёда рўй бераётган ҳеч бир инқироз ёки жангу жадал маънавиятни чеккага суриб қўйишга сабаб бўла олмайди. Нимага деганда, маънавият ва маърифатгина инсониятни ҳар қандай таназзулдан қутқара олади. 2020 йилда бугун жаҳонни ларзага келтирган пандемия

натijasида дунё улкан талафотларни бошдан кечирмоқда. Инсонлар кундалик маиший муаммолар гирдобида қолиб, ўзлигини унутиш даражасига етмоқда. Узоқ истиқболнинг эзгу режаларини тузишга ўрганган одамлар эндиликда омон қолиш дарди билан яшаб, атроф-муҳитга агрессив характерда муносабатда бўлишга одатланмоқда.

2-3

Ҳали ҳамон “БУРЖУЙКА”МИ?

“Бизга автобус керак эмас, СИНФХОНАЛАРИМИЗНИ ИСИТИБ БЕРИНГ”, дейишмоқда ўқувчилар



ҚАЛБ КЎЗЛАРИ ОЧИЛМАСА...



4

Абулайсийнинг МУНОСИБ ШОГИРДИ



6



Давлат дастурининг

ҲАЁТИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Бугун халқ билан мулоқот қилиш, юртдошларимиз фикрини тинглаш, улар томонидан билдирилган таклифларни ҳаётга татбиқ қилиш халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда энг муҳим омилдир. Жумладан, ўтган 2020 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқ вакиллари томонидан муҳокама қилинган қонунларнинг аксарияти жамоатчилик муҳокамасидан ўтганлиги ҳам қонунларни қабул қилишда халқ хоҳиш-иродасини тўлақонли акс эттириш имконини берди.

Кун кеча жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасида белгилаб берилган муҳим таклиф ва ташаббусларнинг аксарияти “Адолат” СДП ўз Сайловолди дастурида мақсад қилиб белгилаб олган вазифаларга ҳамоҳанглигини кўришимиз мумкин. Албатта, бу ҳолат барча даражадаги партия вакиллари қувонтириш билан бирга зиммаизга катта масъулият ҳам юклайди. Давлат дастури лойиҳаси партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида қизғин муҳокама қилинмоқда. Муҳокамалар жараёнида лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалар, қўшимчалар ҳам билдирилмоқда.

2

Халқ таълими вазирига СЕНАТОР СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ



Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида халқ таълими соҳасини ислоҳ қилиш, ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Буларни амалга оширишда, аввало, мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқлаб, ҳал қилиш лозим.

Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурханов ҳудудларда аҳоли билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганди.

Хусусан, жорий йилнинг январь ойида Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани аҳолиси билан ўтказилган учрашувларда “Ўчоқли”, “Янги турмуш” ва “Тараққиёт” маҳаллалари фуқаролари ушбу маҳаллалардаги мактаблар таъмир-талаб ҳолатга келиб қолганлиги сабабли капитал таъмирлаб, реконструкция қилишда амалий ёрдам беришни сўради.

Сенаторлар томонидан “Ўчоқли”, “Янги турмуш” ва “Тараққиёт” маҳаллаларида жойлашган умумтаълим мактаблари ҳолатлари жойига чиқиб ўрганилганда, ҳақиқатдан ҳам мазкур мактаблар бугунги кун талабларига умуман жавоб бермаслиги аниқланди. Маълум бўлишича, туманда 62 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 27 672 нафар ёшлар тахсил олмақда. 13 та умумтаълим мактабида эса спорт заллари йўқлиги сабабли ўқувчилар жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланимаяпти.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Бурханов халқ таълими вазири Ш.Х.Шерматовга сенатор сўрови юборди. Унда Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Ўчоқли” МФЙда жойлашган 38-сонли мактабнинг эски биноси ўрнида янги, замонавий 120 ўринли мактаб биносини қуриш, “Янги турмуш” МФЙдаги 50-сонли мактабнинг бўш турган биноси ҳамда “Тараққиёт” МФЙда жойлашган 20-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш мақсадида 2022 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига киритиш чоралари кўрилиши сўралган.

Манба: senat.uz

Сайфиддин Қутузнинг ЖАСОРАТИ



Ҳар йили мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонланади. Ватанни, туғилиб-ўсган, вояга етказган юртни, ҳаётнинг барча бўлаққидан баҳраманд этган масканини ҳимоя қилмоқ, улугламоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу муқаддас бурч бугунги авлодларга олис аجدодлардан мерос бўлиб келмоқда. Ватан ҳимояси деган сўз уни фақат ташқи хуружлардан асрашдангина иборат эмас, балки юрт шаънини улугламоқ, номини дунё кўз ўнгидеги шарафламоқ, қадрини юксак тутмоқ маъноларини ҳам англатади. “Мисрнинг Туркистонлик халоскорлари” бадиясида Ватан шаънини баланд тутган аجدодларимиз фаолияти қаламга олинган. Бу бадиа бугунги авлодларимиз қалбида ҳам улуг аждодларимизга, ҳам Ватанга юксак эҳтиром ҳиссини уйғотишига шубҳа йўқ.

5

Давлат дастурининг

ҲАЁТИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Маълумки, партиямизнинг сайловди дастурида фуқаролик жамиятининг кучли институтларидан бири — оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошқоралик, очкилик ва ҳисобдорлик тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш масалаларини илгари суриб, ушбу масаланинг ўта долзарблигини эътибор эгган ҳолда, амалдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида”-

ги қонунни мамлакат тараққиётига мос равишда такомиллаштириш, унинг ижроси юзасидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатиш, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг, айниқса, журналист ва блогерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган. Шу нуқтаи назардан ушбу вазифаларнинг Давлат дастури лойиҳасида ҳам ўз аксини топаётганлиги айни мuddаодир.

Хусусан, Давлат дастури лойиҳасининг 18-бандида журналист ва блогерлар эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асосларни янада кучайтириш тақлиф этилмоқда. Бу жуда тўғри ташаббус бўлиб, биз буни амалга оширишда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги ва шу каби бошқа қонунларда бугунги кунда жамиятнинг фаол қатламга айланиб улгурган блогерлар фаолияти билан боғлиқ нормаларни акс эттиришимиз даркор.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Давлат дастури лойиҳасининг 27-бандида маъмурий жазолар миқдорини маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб мақбуллаштириш тақлиф этилган бўлиб, бунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган жазо миқдорларини ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш, жарима тарзидаги маъмурий жазоларнинг миқдорини мақбуллаштириш, маъмурий оғохлантириш қўллаш амалиётини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, жумладан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни либераллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган йили март ойида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, жариманинг қолган қисминини тўлашдан овоз қилиниши белгиланган.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгариш ва қўшимчалар аҳоли томонидан ижобий қабул қилиниб, қўлланилган жарималарни ўз вақтида тўлаш борасида қатъий интизомнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қўллаб-қувватлаш мамлакатларида (Англия, Франция, Испания, Италия, Россия, Қозғоғистон) белгиланган мuddат ичида жарима миқдорининг эллик фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий тўланган тақдирда у қолган суммани тўлашдан овоз қилинади. Мазкур амалиётни бизнинг қонунчиликмизда ҳам жорий қилиб, Давлат дастури лойиҳасининг 27-бандига қўшимча тарзда, фуқароларнинг тайинланган жарималарни ўз вақтида тўлашни рағбатлантириш мақсадида жарима қўлланилган фуқаро жаримани ўн беш кун ичида тўласа, унга нисбатан қўлланилган жариманинг эллик фоизидан овоз этиш амалиётини жорий қилишни тақлиф қиламан. Натижада фуқароларимизда ислохотларга нисбатан ишонч ҳисси ортиб, тайинланган жарималар ўз вақтида тушишига эришилади.

Зухра ИБРАГИМОВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— 2021 йилги Давлат дастури лойиҳасининг 23-бандида қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизimini такомиллаштириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш белгиланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурида қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш, ушбу гуруҳлар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ва мунтазам ёритиш вазифаси қўйилмоқда.

Албатта, бу каби инсон ҳуқуқларининг жазо муассасаларида ҳам тўлақонли таъминланишини кафолатлаш ташаббусларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Лекин бугунги кунда бу каби жараёнларда энг кўп эътирозлар қамқоқ жазоси тайинланган вақтга қадар бўлиб ўтаётган тергов жараёнларидаги инсонийликка хос бўлмаган қийноқлар юзасидан бўлмоқда. Шу сабабли, суд-ҳуқуқ соҳаси билан боғлиқ барча бўғинларда шаффоқлик ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида, Давлат дастури лойиҳасининг 23-бандига қўшимча тарзда қуйидаги тақлифларни киритиш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Маълумки, партиямиз Сайловди дастурида Ўзбекистон Республикасида дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш мақсадида тер-

гов соҳасида алоҳида давлат органини ташкил қилишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш вазифаси белгилаб олинган эди. Бунда прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ваколатидан дастлабки тергов юритишни чиқариш орқали, янги тузилма — алоҳида Тергов қўмитасини ташкил этиш, унинг мақоми, ваколатлари ва вазифаларини белгилаш гоёси илгари сурилган эди. Мана шу масала ҳам Давлат дастури лойиҳасининг 23-бандида ўз аксини топишини мақсадага мувофиқ, деб биламан. Зеро, алоҳида тергов органининг ташкил қилиниши дастлабки тергов функциясини оптималлаштириш, бу борада қонунчиликни ва ягона амалиётни таъминлаш имконини беради.


Музафара АБДИЕВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Давлат дастури лойиҳасининг 182-бандида аҳолини қафолатланган пакет доирасидаги дори воситалари билан босқичма-босқич таъминлаш борасидаги бугунги кун учун ўта долзарб зарурат бўлган масала илгари сурилган. Мен ушбу бандни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда унда назарда тутилган вазифаларга ҳамоҳанг тарзда қуйдаги ишларни ҳам амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори орқали барча дори воситаларининг ягона электрон базасини шакллантириш, электрон базанинг мобил иловасини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш, янги ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган дори воситаларининг электрон базага киритилишини таъминлаш, дори воситаларининг рекламасини чеклаш ва дори воситаларининг фақатгина электрон рецептлар асосида сотилишига эришишимиз зарур.

Шунингдек, Давлат дастури лойиҳасининг 183-бандида белгилаб берилган вазифаларга қўшимча тарзда туманлардаги оилавий поликлиникаларда эмлаш ва доялик учун ажратилган шатлар жадвалини қайта кўриб чиқиш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш тизimini такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, фақатгина марказларда эмас, балки чекка ҳудудларда ҳам тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эришиш бўйича вазифаларни киритиш лозим.

Абдугани УМИРОВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Давлат дастури лойиҳасининг иқтисодиёт йўналишида белгиланаётган бандларнинг самарадорлиги ҳамда Давлат бюджетининг тизимли ва самарали сарфланишини назорат қилиш мақсадида бир қатор тақлифларни киритиш ўринлидир.


Чунинчи, мамлакатнинг иқтисодий қудрати, энг аввало, қафолатланган бюджетга бевосита боғлиқ. Бугунги кунда давлат даромадидаги ундириладиган жарималар, давлат божлари ва бошқа мажбурий ундирувларнинг маълум бир қисми Давлат бюджетига тушмасдан тўғридан-тўғри давлат органларининг хар хил фондлари ва идоравий жамғармаларига бюджетдан ташқари маблағ бўлиб тушаётганлиги барчага маълум. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, мазкур тушумларнинг жамоатчилик ва парламент назоратидан четда бўлишига, айрим ҳолларда эса, ҳатто мақсадсиз фойдаланишига сабаб бўлмоқда. Маблағларнинг давлат ва жамоат назоратсиз фойдаланиши учун яратилган ушбу имконият коррупция ҳолати уришига замин яратиши эҳтимолдан холи эмас.

Таваккал ЧОРИЕВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Давлат дастури лойиҳасининг 166-бандида Тошкент вилоятида Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиалини ҳамда барча ҳудудларда мазкур йўналишда техникумларни ташкил этиш, 171-бандида эса Навоий вилояти Нурота туманидаги ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Юқорида келтирилган икки банднинг ҳаётдаги самарадорлигини ошириш мақсадида, фақат маълум ҳудудларда эмас, балки республикамизнинг барча туман ва шаҳарларининг тўлақонли ўзига хослигини таҳлил этган ҳолда нуфузли олий таълим муассасаларининг тегишли ҳудудга мос йўналишлардаги факультетларини очилиши тақлиф қиламан. Бунинг натижасида ёшларимизнинг билим олиш имконияти кенгайди. Айнан ўша ҳудуд эҳтиёжидан келиб чиқиб, амалиёт билан бевосита боғлиқ ҳолда таълим олган ёш кадрлар ўз ҳудудларида қолиб фаолият кўрсатиши натижасида кадрлар масаласидаги қатор муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

Дилрабо ХОЛБОЕВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Бугунги кунда бутун дунёда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бу борада биринчи галда қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш энг устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Давлат дастури лойиҳасида қишлоқ хўжалигида экинларнинг ҳосилдорлик даражасини ошириш, ер муносабатлари бўйича ислохотларни янада такомиллаштириш бўйича алоҳида 117-118-бандларининг киритилганлиги таҳсинга сазовор.

Шу билан бирга, дастур лойиҳасининг ушбу бандларига қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш борасида бир қатор кечиктириб бўлма масалаларни киритишни ҳам тақлиф қилган бўлардим. Жумладан, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш учун биринчи навбатда ажратилган ерларнинг ижара ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш зарур.

Ерга бўлган ҳуқуқни, хусусан, ижара ҳуқуқини тегишли тартибда расмийлаштириб, гаров ва бошқа кўринишдаги мулк муносабатларни жорий этиш орқали манфаатдорлигини ошириш амалиётини жорий қилиш, шунингдек, фермер хўжалиқларида фаолият кўрсатаётган доимий ва мавсумий ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаб бериш механизмларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.



Қодир ЖўРАЕВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Маълумки, мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, илчил, конструктив, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсат юритиш борасида ҳам бир қатор тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилган.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда мамлакатимиз халқаро майдонда ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда очик ва конструктив мулоқотга қодир, масъулиятли ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган обрўли шерик бўлишга интиломоқда.

Шу билан бирга, замонавий халқаро муносабатлардаги туб ўзгаришлар, дунёдаги сиёсий-ҳарбий вазиятнинг қутилмаган эврилишлари, глобаллашув жараёнларининг янада қучурлашуви, қудратли сиёсий ва иқтисодий куч марказлари жойлашувидаги трансформациялар, кенг минтақамизда ва Ўзбекистоннинг ён-atroфидаги ҳудудларда рўй бераётган hodисалар, коронавирус пандемияси ва унинг оқибатларини бартараф қилиш, тобора кучайиб бораётган турли хавф-хатарларга муносиб жавоб қайтариш долзарб вазифа сифатида кун тартибига чиқмоқда.

Шу нуқтаи назардан Давлат дастури лойиҳасида ташқи сиёсат билан боғлиқ ҳар бир банд, ҳар бир вазифа ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бекаму кўст ижроси, ўз навбатида, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга, унинг тевааратига кенг қўламли халқаро ҳамкорлик учун хавфсиз ва барқарор муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Айниқса, Давлат дастури лойиҳасининг 261-бандида Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясини такомиллаштириш вазифасининг қўйилгани ниҳоятда долзарб ва ўринлидир. Мазкур ҳужжатни замонавий Ўзбекистоннинг очик, конструктив ва амалий ташқи сиёсатидан, жаҳон майдонида тобора ортиб бораётган ўрни ва мавқеидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш давр тақозоси ҳисобланади.

Шу ўринда мен ушбу банднинг ижроси учун масъул ташкилотлар рўйхати (Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар) мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган салоҳиятли “мия марказлари”, яъни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва бошқа илмий-тадқиқот институтларини ҳам киритишни тақлиф қиламан. Зеро, Концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда кенг илмий жамоатчиликнинг иштирок этиши унинг ҳар томонлама пухта ва мукамал ҳужжат бўлишини таъминлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ижрочи котиби Фаррух АБДУҲАМИДОВ тайёрлади.

ИККИ УСТУНГА ТАЯНАМИЗ: КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон бундай оғир шароитда имкон қадар ўз кадр-қимматини сақлай олди. Ўзбекчилигимизга хос бўлган инсонпарварлик ва саховат хислати халқимизга ўзлигини асраб қолиш имконини берди. Жаҳоннинг кўз олдида вазиятни жиддий назорат остида ушлаб олиб, оғир шароитдан беталофат чиқишга муваффақ бўлмоқдамиз. Мамлакатимизда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш баробарида халқимизнинг маънавий даражасини сақлаш ва янада юксалтириш эртанги кун барқарорлиги учун муҳим бўлган омил ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз раҳбари аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан бир қаторда, фикрлаш даражасининг ҳам ошиши устида қайғурар экан: “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, — дея алоҳида таъкидлаб ўтди. Зеро, оғир кунларнинг ҳикматини англаш учун инсониятнинг маънавияти юқори бўлиши керак.

Сўнги йилларда юртимизда маънавият соҳасини юксалтириш борасида қатор қарорлар қабул қилинди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу эса маънавий-маърифий ишларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини белгилаб беради. Президент мамлакатимиз мафқурасининг асосий гоёсига таъриф берар экан: “Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм гоёси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”, деб таъкидлади. Маълумки, бугун дунё улкан таҳдид остида қолган бир вақтда халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг маънавий иммунитетини тарбиялашимиз зарур. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга қутилмаган хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бундай таҳликали вазиятда хушёр ва оғоҳ бўлиб, мамлакатимизнинг

Онлайн конференция

Ўзбекистон “Адолат” СДП “Аёллар қаноти” Республика Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда белгиланган муҳим вазифалар юзасидан онлайн конференция ўтказилди.



«Аёллар қаноти» Кенгаши

Мурожаатнома асосида ўз вазифаларини белгилаб олди



Конференцияда Мурожаатномада илгари сурилган ҳар бир ташаббус мамлакатимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди. Зеро, нафақат юртимиз, балки бутун дунё ҳамжамиятининг янгилинишларга бўлган эҳтиёжи юксалиб, глобал муаммоларга ечим излаш барчаннинг кечиктириб бўлмас вазифасига айланган бир пайтда, оқилона сиёсатга долзарб мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлашга кафолат бўла олади.

Конференцияда эҳтиёжманд оилаларнинг икки минг нафар қизи олий ўқув юртига алоҳида давлат грантла-

ри асосида қабул қилиниши ислохотларнинг амалий натижаси бўлганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари томонидан Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этиш тақдирини илгари сурилганлиги, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жағғармаларни янги ташкил этиладиган кенгашлар иштирокига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ эканлиги, аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ

йўналтирилганлиги, бунинг учун “Халқ банки” томонидан хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш-

нинг янги тизими жорий этилганлиги мамнуният билан эътироф этилди.

Конференцияда партиянинг “Аёллар қаноти” ҳудудий кенгашлари томонидан бир қатор амалий тақлиф ва ташаббуслар ўртага ташланди. Хусусан:

- ҳудудий кенгашлар қошида “Адолат”нинг фаол адолатли аёллари клубини ташкил этиш;
- “Уй бекалари” клубини ташкил этиш;
- “Аёл депутатлар” клубини ташкил этиш;
- бепул юридик хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- “Меҳр-3” инсонпарварлик операцияси доирасида дунёнинг нотинч нуқталаридан она Ватанимизга қайтарилган хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби долзарб муаммолар ечимини юзасидан амалий режа ва тақлифларни илгари суриш.

Айни пайтда, юрт равнақиға ўз ҳиссасини қўшаётган аёллар ўртасида республика миқёсида “Йилнинг энг фаол адолатчи аёли”, “Адолатли қайнона” кўриктанловларини ташкил этиш, “Аёллар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш — адолатли жамиятнинг муҳим вазифаси” ва “Аёллар муаммоларига адолатли ечим” шиорлари остида туркум учрашув ва тадбирлар ташкил этиш келгуси вазифалар сифатида белгилаб олинди.

Гулнисо САИДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати бўлим мудири

Тақлиф қўллаб-қувватланди

Хоразм вилоят ҳокимлиги мажлислар залида халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдаги 22-сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар, мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижроси ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали директори Тоҳир Палванов сўзга чиқиб, **Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 50 ўринга мўлжалланган “Болалар бўлими”га зарурат борлиги ва онкологик касаллик билан да-**

воланаётган беморлар учун қўшимча дори-дармонларга маблағ ҳамда нур билан даволаш бўйича кадрларни чет давлатларда ўқитиш масаласини йўлга қўйиш муҳимлиги тўғрисидаги тақлифларни илгари сурди.

Партия етакчисининг долзарб аҳамиятга эга бўлган тақлифлари бир овоздан қўллаб-қувватланди ва Хоразм вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Фарҳод Эрмонов мазкур масалалар навбатдаги сессия кун тартибига киритилишини маълум қилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши
матбуот котиби

тинчилиги ва манфаатларини асраб-авайлаш керак.

Давлатимиз раҳбари Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлигига тўхталиб ўтар экан, ушбу марказнинг **“Маънавият тарғиботчиси”** ўқув муассасаси негизда **Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти**ни ташкил этиш тақдирини билдирди. Зеро, ушбу масала бугунги кунда илмий мустақамланган асосга муҳтожлик сезаётган соҳа бўлиб турибди. Президент ушбу марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминотини кескин кучайтириш, унинг фаолиятини илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Худудлар марказида намунавий лойиҳа асосида маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан соҳага қўшимча штатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор ру-

ҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш масаласига тўхталар экан: **“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуролантиришимиз зарур”**, деди давлатимиз раҳбари. Шу мақсадда, мутасаддилар олдида Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Миллий гоё тушунчасининг тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиши қайд этилди.

Кино санъатини изчил ривожлантириш орқали юксак бадиий гоёларни тарғиб этиб, халқнинг маънавий савиясини ошириш бугунги кунда долзарб вазифадир. Зеро, кино санъати орқали халқимизнинг онгига миллий ва маданий қадриятларни синдириш, ижобий ва салбий тушунчаларнинг бир-би-

ридан фарқини очиқ намоиш этиш орқали тарбиялаш билан миллий ўзлигимизни сақлаб қолиш борасидаги ҳаракатларимизни амалга ошириш имконига эга бўламиз.

Халқимиз онгидagi маънавият тушунчасининг тўғри шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган органлардан яна бири — оммавий ахборот воситаларидир. Телеканаллар қошида фаолият юритадиган бадиий кенгашлар ишининг самарадорлигини ошириш катта аҳамият касб этади. Зеро, халқимизга етказиб берилаётган махсулот ҳар томонлама етуқ ва сифатли бўлишини таъминлаш маънавий соҳанинг юксалишини таъминлаб берувчи муҳим омиллардан бирidir.

Президент ўз нутқида адабиёт, маданият ва санъат орқали халқимизнинг маънавий онгига таъсир этиш хусусида ҳам гапирди. Қадимда кўчма театрлар аҳолининг чекка қатламларига кириб бориб турли томошалар ўтказган. “Чодир жамол”, “Чодир хаёл” каби театр томошаларида кўғирчоқ ўйинлари намоиш этилган. Бундай томошалар халқимизнинг тафаккурига ўзига хос илқик ва нафислик кайфиятини олиб кириб, оддий маиший юмушлардан ортиб, юқорида даражада фикрлаш кўникмасининг ривожла-

нишига туртки берган. Тарихимиздан бизгача етиб келган ушбу маънавий мерос аъналарини давом эттириш бугунги кун учун ҳам долзарб вазифадир.

Яқин йилларда юртимизда Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг концерт томошаларини турли вилоятларда юқори савияда намоиш этиш тажрибаси муваффақиятли равишда қўлланилди. Аҳоли ушбу томошаларга келиб, ундан ижобий таассурот олган эди. Бундай томошалар ёш авлоднинг маънавий дунёсини ўстиришга хизмат қилибгина қолмай, балки ота-оналарнинг ҳам қалбига юқори идеалларга нисбатан ишонч ва умид ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлди. Зеро, санъатнинг кучи инсониятни бирлаштириш, қалбларни юмшатиш, фикрларни парвоз эттириш қудратига эга.

“Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади”, деди Президент. Зеро, олдимизда турган улғу мақсад — Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш ва уни барпо этиш, энг аввало, халқимизнинг тафаккурини юксалтиришдан бошланади.

Депутат бонг уради

Ҳали ҳамон “Буржуйка” ми?

“Бизга автобус керак эмас, синфхоналаримизни иситиб беринг”, дейишмоқда ўқувчилар



Дониёр ЮСУПОВ,
халқ депутатлари
Қибрай туман Кенгаши
депутати

Бугунги кунга келиб республикамиздаги 162 та мактаб ва 156 та мактаб филиали қўлбола (буржуй) печлар орқали иситилмоқда. Бу ҳақда АОҚАда ўтказилган брифингда Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Лайло Рустомова маълум қилди.

Шунингдек, мазкур брифингда республика бўйича мавжуд жами 10 008 та умумтаълим мактаби ва ихтисослаштирилган мактаб интернатларининг 3 310 таси — табиий газ; 23 таси — суюқ ёқилғи; 6 671 таси — кўмир (брикет); 4 таси — электр токи орқали иситилаётгани ҳам очиқланди.

ни отам замонидан қолган “буржуйка”ларни алмаштиришга йўналтирса, ҳеч бир раҳбар уни уришмас керак.

Кейин бунинг учун ҳеч қандай тадбиркорлик ҳам керак эмас, аксинча, пулни мақсадли сарфлаш керак, холос.

Вазир жаноблари брифингларда жуда ҳозиржавоблик билан саволларга жавоб бериб ташлайдилар, лекин нега бу каби масалалар ечимда ҳозиржавоблик йўқ? Қайси бир йиғилишда биз болаларнинг мактабга бориб келиши учун автобуслар ажратамиз, деганлари қулгимга чалинган эди ва ўшанда қишлоқ ўқувчилари “Бизга автобус керак эмас, синфхоналаримизни иситиб беринг”, дея жавоб беришган эди.

Ҳа, совуққа қолдирмай, “буржуй” печкада бўлса ҳам иситиш йўлга қўйилган экан-ку дерсиз, лекин олис ҳудудлардаги ўғил-қизларимиз ҳам сал бўлсада замонавийроқ синф хоналарда ўқишсин!

Майли уларга электрон доскалар, мультимедиа ускуналари кейинроқ берилар, лекин синф хонани ачитиб, кўмир ёқишмасин, унинг ҳиди ўпкани захарлайди! Биз соғлом авлод ҳақида қайғуряпмиз ахир.

Биз учинчи Ренессанс ҳақида гапирётган бир даврда “буржуйка”ларда синф хоналарини иситяпмиз, балки чироқни иқтисод қилиб, шам билан дарс ўтармиз, қадимги аждодларимиз ҳам шам ёруғида китоб ўқиб, одам бўлишган, деб.

Жаноб вазир, ҳар бир ишининг савол-жавоби бор, ҳеч бўлмаса бу йил бошқачароқ ишлар, пресс клуб, брифингларда ҳозиржавоб бўлавермай, мана шунақа жуда зарур масалаларни ҳам ечиб ташланг, давлатимиз бу масалада маблағни аямай беряпти, фақат уни ўйлаб ишлаттиринг, дарвоқе, ишлатилмай қолиб ҳам кетмасин.



Бир хат изидан

Сўнги тўрт йил мобайнида юртимизда тадбиркор, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда. Бундай ижобий ўзгаришларни ҳатто хориж сиёсатчилари ҳам эътироф этмоқдалар.

Тан олайлик, яратилган шарт-шароитлар туфайли тадбиркорлар уйғонди, бироқ ҳамоно мудраётган айрим раҳбарлар қачон уйғонади? Шу савол бизни кўп ва ҳўб ўйлантиради.



БОҒНИ КИМ ОБОД ҚИЛАДИ?

Яқинда пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи 30 нафардан ортиқ фуқародан шикоят хати келиб тушди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

“Биз 1977 йилдан бери Учтепа тумани “Хуршид” МФЙ ҳудудидаги 38-уйда яшаб келамиз. Шу давр ичида уйимиз орқасидаги ташландик, майдони 20x70 метр кв. бўлган ерга фарзандларимиз ҳамда невараларимиз билан ҳар йили эрта баҳор ва кузда гилос, олма, нок, олча, ўрик, хурмо кўчатлари, ёнғоқ, узум, турли гул кўчатларини экиб, жойни маҳалланинг сўлим боғига айлантирдик.

2018 йилгача боғимиздаги мевалар болалари-

мизнинг ризқ-насибаси эди. Мевани дарахтдан узиб еганга нима етсин. “Хуршид” МФЙ идораси узоклиги сабаб биз қариялар ўзимиз хашар йўли билан яратган боғдаги су-пачаларда ёзнинг иссиқ кунлари ҳордиқ чиқариб, дам олардик. 2018 йил Учтепа туман “Сувсос” бўлими ишчи-ҳодимлари келиб, ҳосилга кирган мевали дарахтларни кесиби, боғни харобага айлантирдилар. Темир сўри, узум ишжомлари, супачаларимизни бузиб, пешлавахга “Сувсос”га қарашли” деган ёзув осиб кетишди. Шу-шу “Сувсос” ходимлари бошқа кўринишмади.

Мана, икки йилдирки, боғимиз қуриб бормоқда. Катта ҳалқа йўлидан ўтган кетган автоуловлар ҳайдовчилари айнан шу ерга уйларидан чиққан чиканларини, баъзан ҳатто ўлимтикларни ташлаб кетадиган бўлишди. Ёз, куз ойлари боғимиз сичқон, каламуш, қутурган ит-мушукларга, “бомж”ларга макон бўлиб қолди”.

Хатни ўқигач, вазият билан танишиш мақсадида шикоятда тилга олинган манзилга бордик. Йўл четидида қад ростлаган замонавий иншоотлар – “Азия строй город” ва “GRAND ROAD” қурилиш маҳсулотлари, “KAPLAN SER-SAM” ва “GILAM MAKON” гилам дўконлари, 3 та мини футбол майдончаси, 2 та мевали ва манзарали дарахт

ва гул кўчат боғлари, “Исроил хожи ота” тўйхонаси, “LYUKS” хўжалик буюм дўкони, “LABAZ MARKET” озиқ-овқат дўконлари ва бошқа савдо шохобчалари Учтепа туманида бўлаётган бунёдкорлик ишларининг амалий йўлдошидир. Уларни кўриб кўз қувнади.

“Хуршид” МФЙ ҳудудидаги 38-уй орқасидаги ахвол эса, ҳақиқатан ҳам, шикоятда ёзилганича бор экан. Фотоаппарат ва видеокамерада суратга олаётганимизни кўриб бирин-кетин маҳалла аҳолиси йиғила бошлади. Улар билан танишганимиздан сўнг, мақсадга ўтдик. Негадир суҳбатдошларимиз исм-шарифларини айтишмади. Уларнинг кўзларида қандайдир ҳавотир, бизга нисбатан ишонсизлик бор эди.

– Сизгача кўп жойларга ёздик. Натижаси мана, – деди турганлардан бири боғни кўрсатиб.

– Боғимиз кимга ҳалақит берди? – Бу ер кимга керак бўлиб қолди экан?

– Ҳамма ёқни пули борга, аўқ-қонга қўйиб сотишмоқда? Суҳбатдошларимиздан бири:

– Хотинларнинг гапига қараганда, боғимизни харобага айлантирганлар, яроқсиз ҳолга келтирилганлар унинг ўрнида мини футбол майдончаси қуришармиш, бошқа маълумотларга кўра, боғимиз ўрнига брусчатка сотилдиган қурилиш бозорчаси тушармиш, – деб қолди.

– Орангизда боғимизни сақлаган ҳолда Катта ҳалқа йўли бўйида қурилатганга ўхшаш, замон талабига жавоб берадиган иншоот кура оладиган тадбиркорлар борми? – деб сўрадик.

– Борлиққа бор-у ҳокимият унга берадирми?

– Насриддинов Фулом аканинг ўғли Шаҳобиддин ўзимизнинг кўз ўнгимизда, қўлимизда катта бўлди. Маҳалла ишловларида ҳам фаол. Шу ерда автоуловларга техника хизмати, китоб дўкони, маиший хизмат асбоб-ускуналари, пойабзалларни таъмирлаш, хотин-қизларга тикув цехи очилган ниятида юрганлигини биламиз.

– Иш ўринларига ҳам ишсиз юрган ўғил-қизларимизни жалб қилмоқчи у, – деди отахонлардан бири.

Ниҳоят, суҳбат жараёнида туғилган кўпга савол ва тақлифларнинг ечимини топш учун ҳокимиятга бордик. Афсуски, ҳокимият иш жойидан топа олмадик...

Даврон АҲМАД, журналист, муаллиф олган сурат

Жиноятга жазо муқаррар

Умр йўли бир текис бўлмайди. Унда катта-кичик муаммолар бўй кўрсатиб туради. Муҳими, дуч келатган муаммоларимизнинг ҳар бирини ўзига хос ечим бўлади. Биз шунинг тўғри тушуниб яшасак бас. Аксинча, муаммоларга нисбатан «бир қалит барча қулфга мос келади», қабилида иш тутсак, тўғри йўлдан адашиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Мижозини ЧУВ ТУШИРГАН “СОТУВЧИ” ҚОРА КУРСИГА ЎТИРДИ

Барно Алиева (исм-фамилия ўзгартirilган) ёши қирқдан ўтса ҳамки, шу ҳаётий ҳақиқатни тушуниб етмади. У ўз муаммоларини, аникроғи моддий аҳолини ўнглаш борасида ўзгаларни алдас, қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб кетиш йўлидан юрди. Гўё шундай хатти-ҳаракат билан моддий аҳолини тезда яхшилаб олишдан бошқа чораси йўқдек, қинғирлик кўчасини ўзига эп қурди. Қарангки, биз гўзалликка, эзгуликларнинг тимсолига ўхшатган аёл гараз ният билан бошқаларнинг шўрини қуритиш пайига тушса!

Алқисса, суднинг қора курсисидида бошини ҳам қилиб ўтирган бу нозик ҳилқат, кўп йиллик танишини чув тушириб кетишни удралабди. Қандай қилиб дейсизми? Воқеани қисқача баён қилсак, у кунларнинг бирида гўзаллик салоинида ишлайдиган мижози Лола билан суҳбатлашиб қолади. Барно Лолага «Уриқзор» дўконидида ортиқ ишламаслигини, косметологик воситалари зарур бўлса, хориждан арзон нархларда олиб келатганини айтиди. Лоладан ҳар доимдагидек маҳсулотлар учун пулини олдиндан олади. Узаро келишувга кўра Лола Барнога 12 минг АҚШ долларини санаб беради.

Бир қарашда бундай ҳолатлар ҳар биримизнинг ҳаётимизда учраши мумкин. Кимдир бошқа ишга ўтади, касбини ўзгартаришга тўғри келади. Агарда Лола Барнонинг нима сабабдан «Уриқзор» бозоридида ортиқ ишламаслигини суриштирганда эди, бугун чув тушиб ўтирмаган бўлармиди?! Шундай деймиз-у, лекин узок йиллик танишининг ортидан маълумот йиғиб юришнинг андишаси бор-да. Ҳаёлимиздан шу фикр ўтса, билайликки, анча-мунча соддалик қилаёلمиз. Бу ўринда Лола сув кўрмай этик ечма, деган мақолга амал қилиб,

Барнонинг хориждан тўғридан-тўғри олиб келатгани косметологик воситаларини ҳеч бўлмаса бир кўришга ҳаракат қилиши керак эди. Ахир у оз эмас, нақ 120 миллион сўмдан ортиқ маблағини бериб юбораяпти-ку.

Бўлар иш бўлиб, Барнонинг ваъда қилган кунини ҳам келади. Лекин бу орада на маҳсулотдан, на пулдан дарак бўлади. Лоланинг соддалигидан фойдаланган Барно ундан яна пул олиш ҳақида бош қотиради. Бу сафар тўққан эртагига ўзи ҳам ишониб қолади, шекилли, ҳар ҳолда гапидида тутилмай Лолани аврай бошлайди.

– Барно иш жойимга келиб, дабдурустан маҳсулотлар божхонада англигини айтиб қолди, – дейди судда жабранувчи Лола. – Гапларига ишонди. Лекин у буни яна пул олиш учун айтган экан. Кореядан тирноққа ишлов бериб, ўстирувчи аппаратларни 100 минг АҚШ долларига олиб келатганилигини, бу ерда катта пулга сотса, қанча даромад олиши мумкинлигини ҳисоблаб берди. Унинг гапларига ишониб қандай қилиб 40 минг АҚШ долларини санаб берганини билмай қолибман. Пулларни 15 кун ичидан қайтаришини айтиб кетганди. Орадан ойлар ўтса ҳамки, у турли баҳоналар билан пулларимни беришини пайсалга солиб юраверди...

Суд мажлисида судланувчи Барно айбига тўлиқ иқроф бўлди. Унинг кўрсатмаларидан шу аён бўлдики, тўққан ёлғонларидан ўзи ҳам адашиб кетгандан пулни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганини тан олди...

Суд ҳужмига кўра, унга тегишли жазо тайинланди.

Санжар ИБАДОВ, жиноят ишлари бўйича Яқкасарой туман суди судьяси

Мулоҳаза

Газеталардан бирида жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди судьяси Бурхон Бобоев билан жиноят ишлари бўйича Боёвот тумани суди раиси Шўҳрат Исмоилов муаллифлигида эълон қилинган “Ота уйига сизматан эди” мақоласини ўқиб қолдим.

ҚАЛАБ КЎЗЛАРИ ОЧИЛАМАСА...

Мақолада баён этилишича, Фарғона вилояти Боғдод тумани, Чуванлари МФЙда рўйхатда туриб, Янгийўл тумани Гулбахор МФЙ 38-уйда яшаган Шаҳзодаҳон Солижон қизи 2003 йилда турмуш қуриб, эри билан муросаси келишмай, бир фарзанди билан ажралишган. 2018 йилгача ёш ўғилчаси билан отасининг уйда яшаб, 2018 йилда Наманган вилоятининг Поп туманига шаръий никоҳ асосида иккинчи марта турмушга чиққан. Бу турмуши билан 2019 йилнинг баҳор ойларигача яшайди, чунки хонадон эгалари Шаҳзодаҳоннинг фарзандини ситиштирмаганликлари учун оилада жанжаллар бўлиб, аёл яна отасиникига қайтиб боради. Отасиникида ҳам тинчлиги бўлмай, Тошкентга келиб, ёлланма ишчи бўлиб ишлаб юрганда, 2019 сентябрь ойида ҳомидалорлигини билди ва иккинчи эрига бу ҳақда телефонда айтиди. Аммо боланинг отаси хомилани олдириб ташлашни маслаҳат беради.

Тошкент шаҳрида ёш ўғли билан ижарада яшаб, тикувчилик фабрикасида ишлаб юрган аёл ҳақиқатан ҳам қийин аҳволда қолади, доимий яшаш жойи бўлмагани, туғилажак болани боқишга имкони йўқлиги сабабли, хомиласини олдириб ташламоқчи бўлади. Лекин ўша пайтда ҳомила анча каттариб қолганлиги учун бу ишининг иложи бўлмайди. Шунда Шаҳзодада бола туғилгач, уни бирон оилага бериб юбориш истиаги туғилади, бу ҳақда ҳаммаси — қалин дугонасига айтиди. Дугонасининг таниши бўлган йигит бу гапни эшитиб: “Мен бир ҳожи ота ва ҳожи оналарни биланман. Уларнинг келини анча йиллардан буён фарзандсиз,

ўшалар туғилдиган чақалоқни асраб олишлари мумкин”, дейди ва 2019 йил декабрь ойида Гулистон шаҳрида яшовчи Гулнора опа исмли аёлни етаклаб келади. Гулнора опа туғилажак болани ўз фарзандидай воёга етказиши мумкинлигини айтади, шундан кейин у Шаҳзода билан телефонда тез-тез гаплашиб туради. 2020 йил февралда Шаҳзода Янгийўл туманидаги кўп қаватли уйга ижарага кўчиб ўтади, бу орада унинг уқаси ҳам оиласи билан шу ерга кўчиб келиб, яшай бошлайди. Опа уларни ҳам қано-ти остига олади.

2020 йил февралда гулистонлик Гулнора опа Янгийўлга келиб, Шаҳзодадан хабар олади, унга керакли нарсаларни олиб беради, хотиржам уйига қайтади ва телефонда тез-тез гаплашиб турадилар. Сал кет-тилади. Шаҳзодага шундай маслаҳат беради: “Туғиш яқин, қарантин эълон қилинди. Ҳаракатланиш чекланмасдан олдин бизнинг шаҳримизга келиб, вақтинча яшаб турсаларинг яхши бўларди”. Шаҳзода рози бўлади ва ўғли билан Гулистон шаҳрига келишганда, уни Гулнора опа эри билан қутиб олиш-илади. Ҳар эҳтимолга қарши ҳомиладор аёлни шифохонага жойлаштиришади, унинг ўғлини ўзлари билан уйларига олиб келтиришади. Шифохонадан чиққанидан кейин Гулнора опа хомиладор аёлни Гулистон шаҳрининг эски бозор ҳудудидаги ижара уйлари билан бирига жойлаштирилади.

Уз яшаш жойи бўлмаган, отаси ҳам ҳайдаб чиқарган, бошланмасизликдан доимо қий-налиб юрган жувон туғилажак фарзандини Гулнора опага бериш эвазига ёрдам, яъни ундан уй-жой қилишга етарли маблағ сўрашга қарор қилади.

Шу мақсадда Янгийўл туманида ўзи яшаган уйнинг нарҳини (бир хонали уй 10 000 АҚШ доллар экан) аниқлайди. Бу фикрини Гулнора опага айтиб, туғишига ҳали бир оз муддат бўлгани учун Янгийўлга қайтиб кетади. Опасининг бу ниятига ука қарши чиқ-ди, аммо икки оила ҳам яшаш жойи бўлмагани учун, ука ноилжоз рози бўлади.

2020 йил 15 апрелда Шаҳзодаҳон Гулистонга келиб, илгариги ижара уйига жойлашади. Орадан бир неча кун ўтгач, Гулнора опа “турмуш ўртоғим” деб таништирган Ботир исмли шахс билан у яшаётган кварти-рага келишади. Шаҳноза те-луйнроқ Шаҳнозага шундай мас-лаҳат беради: “Туғиш яқин, қарантин эълон қилинди. Ҳаракатланиш чекланмасдан олдин бизнинг шаҳримизга келиб, вақтинча яшаб турсаларинг яхши бўларди”.

2020 йил 5 май кунини бу иш фож этилиб, дунёга келганига эндигина бир ҳафта бўлган чақалоқини “маҳсул харидор”га 10.200 АҚШ долларига сотаёт-ган пайтда аёл кўлга олинган. “Судланувчи Шаҳзодаҳон Солижон қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланди”.

Келинг, ҳиссиётларга берилмай мулоҳаза қуртамиз. Мен мақола муаллифларининг фикрларини, баёнларини бир озгина ихчамлаштириб айнан келтирдим. Уни ўқиб жараёнида бир жихатдан кўнглим тўлди, яъни, жиноят ишини ўрганган, тергов қилган соҳа ходимлари ишга ҳолис ёндашганлар. Улар боласини сотишга жазм қилган аёлнинг аҳволу холини ҳолис,



адолат билан ўрганганлар. Шунга асосланидиган бўлсак, Шаҳзодаҳон турмушда ёлчимма-ган, лекин меҳнатдан қочмаган, қўлида хунари бўлган ва шу асосда ўзи ва боласини боқиш-га, укасига ҳам ёрдам беришга имкон излаган аёл. Жиноят аниқ далиллар, гувоҳлар билан ёлчимлангани учун бу аёлга нисбатан чиқарилган жазо чораси ҳам қонунга мувофиқ.

Фақат... сўзим аввалида ишора қилганимдек, масаланинг қонун китобларида қайд этилма-ган, бобою момоларимиз нозик жихатлари билан аниқ, мил-латнинг шаъни даражасида ҳимоя қилган инсоний жихатла-ри кишини қаттиқ ўйлантиради. Шу ўринда Юртбошимизнинг кейинги йилларида, тўғрироғи, Ўзбекистон халқининг тақдирига маъсуллиқни зиммаларига олган, яъни Президентликка сайланган илк даврларидан бошлаб мамлакат халқининг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари, айниқса, юрт аёллари — она-лар, опа-сингиллар, қизларнинг (улар қайси ҳудудда яшаш ва қайси мавқеда бўлишларидан қатъи назар!) ҳаёти, турмуши-ни яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай но-ҳақлик, зулмнинг олдини олиш

учун қатъий бел боғладилар. Фикримни қатор Фармонлар, амалий тадбирлар далиллайдди. Яна шуниси эътиборликки, Юртбошимиз миллат келажакни яратувчи аёл жисмонан, маъна соғлом, ўз ҳақ-ҳуққини англаб ва улардан фойдаланиб яшашлари, иқтидорларини тўлиқ намоён этишлари учун моддий-маънавий, ижтимоий шароитларни тўқиб бериш баробарида, деярли ҳар бир маърузаларида бу масаланинг ижобий ҳал этиб борилиши йўлларигача кўрсатиб берадилар. Юртимизнинг барча ҳудудидида оилаларга кириб, хотин-қизлар ҳаёти билан яқиндан танишиб, уларнинг аҳоли, муам-молари, режаларини ўрганиб, ўрнида керакли ёрдам, масла-ҳатни беришни олдимизга қўндаланг вазифа қилиб қўйди-лар. Бу долзарб вазифани ҳисоботлар тўлдириш билан эмас, амалий натижаларга эри-шиб баҳарлаш учун ҳатто вазир-лик ташкил этилди.

Энди юқоридида воқеага қайтсак. Эътибор қилсангиз, уларни баён этишда саналар элмас, амалий натижаларга эри-шиб баҳарлаш учун ҳатто вазир-лик ташкил этилди. Энди юқоридида воқеага қайтсак. Эътибор қилсангиз, уларни баён этишда саналар элмас, амалий натижаларга эри-шиб баҳарлаш учун ҳатто вазир-лик ташкил этилди. Энди юқоридида воқеага қайтсак. Эътибор қилсангиз, уларни баён этишда саналар элмас, амалий натижаларга эри-шиб баҳарлаш учун ҳатто вазир-лик ташкил этилди.

Энди юқоридида воқеага қайтсак. Эътибор қилсангиз, уларни баён этишда саналар элмас, амалий натижаларга эри-шиб баҳарлаш учун ҳатто вазир-лик ташкил этилди. Энди юқоридида воқеага қайтсак. Эътибор қилсангиз, уларни баён этишда саналар элмас, амалий натижаларга эри-шиб баҳарлаш учун ҳатто вазир-лик ташкил этилди.

ларимиди? Жамиятимизда ўз ҳақ-ҳуққларини биладиганлардан кўра билмайдиган хотин-қизлар жуда кўп бўлгани учун ҳам Президентимиз вазифаси ушбу соҳага дохил бўлган маъсулларга хонадонлар, улар-даги аёллар ҳаёти билан яқиндан танишишни қайта-қайта таъкидлаб турибдилар. Шаҳзо-даннинг шаръий никоҳ асосида Наманганнинг Поп туманига турмушга чиқши, янги хона-дондагилар аёлнинг боласи-ни сиғдирмай (етимнинг бо-шини силашнинг савоби жан-натда Пайғамбаримиз солла-лоху алайҳи васаллам билан ёлним-ён бўлмоқ!), унинг яна отасиникига, ота уйига сиғмай, иш излаб Тошкентга кетиши — қарийб бир йилдан ортиқ дав-ром этган бу оғир кунларда, на-ҳотки, аёллар тақдирига масъ-ул шахслардан биронтасининг кўзи тушмадимикин бу аёлга. Холбуки, айни шу даврда ви-лоят, туман ҳокимликлари то-монидан ташкил этилган мах-сул гуруҳлар маҳаллаларда уйма-уй юриб, хотин-қизлар ҳаёти билан танишиб, ҳисобот-лар ёзишди. Эҳтиёмандларга зарур ёрдамлар кўрсатилди...

Мақола билан таниш бўлган бу фикримга: “Сиз ўз жону жигаридан бўлган боласини пулга сотмоқчи бўлган аёлни оқламоқчимизми?” деб ажаб-лан-ишлари мумкин. Улар — бес-тисно ҳақ, лекин масаланинг қонун китобларида қайд этил-маган, бобою момоларимиз но-зик жихатлари билан аниқ, мил-латнинг шаъни даражасида ҳимоя қилган бошқа жихатлари ҳам мумим, назаримизда

Ва ниҳоят, воқеанинг бош қаҳрамонларидан бўлган Гулно-ра опа, яъни аввалгига дунёга келажак чақалоқни ўз боласи каби улғайтиришга ваъда бери-ган, бунинг учун ҳомиладор аёлнинг мураккаб аҳволидан фойдаланиб, унга керакли нар-саларни олиб берган, ижара уйга жойлаштирган, шифохона-да даволатган. 2019 йил декаб-ридан 2020 йил апрелигача

Жамиятимиз, халқимиз, Ватанимиз учун — инсон азиз. Ўз оиласидан тортиб маҳалласидигилар, бошпанау тиркичилик ташвишида юрганда Шаҳзодаҳонни кўрган-билганлар озгина эътибор, мурувват, меҳр-оқибат кўрсатиб, ҳеч бўлмаса, тўғри маслаҳат берадилар... ҳаёт синовларидан юзи ёруғлик билан ўтиб кетармиди?.. Икки фарзанди икки томонда она меҳрию бағрига зор бўлиб қолмасмиди?.. Назаримда, улар жамиятнинг мурувват-ли қалбига умил билан қарар тургандек.

Муҳтарома УЛУҒОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази маъсул ходими

МИСРНИНГ

Миср деганда кўз ўнгимизда улуғвор пирамидалар, Тутмос III ва Рамзес II, Юлий Цезарь каби афсонавий шахслар гавдаланади. Бироқ тарих яшираётган, уларнинг қаҳрамонлиги олдида Клеопатра фидоилиги, Максимус жасорати ҳам хира тортадиган яна бир тоифа сиймоларнинг шонли кечмиши борки, уларни ёритиш хорихда ҳаётлари кечган аждодларимиз пок руҳлари олдидаги бурчимиздир. Бугун сўз юритаётганимиз, араб тарихчиларининг келтиришларича, Хоразмшоҳларнинг сўнгги вакили, Жалолиддин Мангубердиннинг жияни, Мисрнинг халоскор султони Музаффар Сайфиддин Кутуз ва ватандошларимизнинг Яқин Шарқдаги қаҳрамонликлари, мамулук (мамлук), яъни асир-жангчиликдан Мисрнинг буюк султонлари бўлишга қадар босиб ўтган йўллари ҳақидаги тарихий-бадиий лавҳани эътиборингизга қарола қиламиш. Улар Мисрда тузган давлатни араблосон ва форсийзабон алломалар “Давлат ат-турк”, деб ҳурмат билан тилга олишган.

Божкенти Самарқанд бўлган улкан Хоразм салтанатини Чингиз қўшини ҳалокатга учратган, шахзода Жалолиддин Мангуберди отасининг ўрнига умрининг сўнгига қадар босқинчиларга қарши курашди. 1231 йили Мангубердига Кавказ орти тоғларида суиқасд уюштирилди. Султонсиз пароканда туркистонлик жангчилар Чингиз қўшинидан Мисрга қадар чекинisha мажбур бўлишди. Улар эҳромлар юртига турли йўллар билан келиб қолган элдошлари билан тезда бирикиб, катта ва энгилмас кучга айланмишди.

Хоразм кўшини жангчилари Мисрга келишганда бу ернинг султонлари ва қўшин таркиби араблардан эмас эдилар, мовароуннахрликлардан ташқари уларнинг орасида Дашти Қипчоқдан бўлган қипчоқ, ўғуз ва бошқа қабилаларга мансуб аскарлар асосий макъени эгаллаган. Утмиш манбаларида уларнинг Миср тупроғига келиб қолиш тарихи куйдагича келтирилди: онаси туркий илдишларга эга бўлган халифа Мутаъсим Бухоро амири томонидан 815 йили халифа Маъмун хизматига юборилган Тулуунинг фарзанди Аҳмад ибн Тулуни Мисрдаги ноиб қилиб тайинлаганидан кейин, Аҳмад 869 йили Сурия ва Фаластини ўзига бўйсундирди. Унинг қўшинидаги аскарлари ҳам асосан ватандошлари бўлиб, уларнинг бўлук (полки) Нил (ал-Бахр)даги Ар-Руяд оролида жойлашган, араблар уларни баҳрийлар деб аташган. Бундан ташқари, Миср қўшинида суданлик ва барбарлар қисми ҳам мавжуд бўлиб, улар Қоҳиранинг ал-Буржий қўргонидан туршишган. 1051 йили баҳрийлар ва буржийлар орасида низо пайдо бўлиб, бу кураш 1052 йилгача давом этади. Уша йили туркистонлик мамулуклар ҳал қилувчи жангда суданлик ҳабашларни буткул енгиб, фиръавнлар юртидаги ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлига олишди.

XIII аср Миср султони Турношоҳ даврига келиб икки буюк саркарда – хоразмшоҳий Музаффар Сайфиддин Кутуз ва қипчоқлар сардори аз-Захир Бийбарс Бундуктарий ат-Туркий тарих саҳнасига чиқди. Кутуз чингизийларга асирга тушиб, Мисрга жангчи-аскар сифатида, Бийбарс эса 16 ёшида асирга олиниб, Миср бозорида катта пулга сотилган ва шу тариқа улар Яқин Шарққа келиб қолган эдилар. Султон Турношоҳ аждодлари юртидан келган бу икки жангчининг асладодлардан эканлигини, тақдир синовлари уларда катта маънаёт, энгилмас руҳни шакллантирганлигини бир қарашдаёқ сезади. Мамулукларнинг қай даражада кучли эканлигини амалда билиш учун икки барзанги ҳабашни улар билан жангга туширди. Кутуз ва Бийбарс Қашқа воҳаси ва Урганч ёшулли курашчиларининг жанг усуллари билан яхши хабардор эди. Икки барзанги ҳалол усул натижасида елка узра ерга келиб урилган, ҳаракатдан тўхтади. Султон яна икки қўлни жангга буюрди. Уларнинг тақдир олдинги шериклари каби бўлди. Ярим соатга етмай кураш майдонида саккиз қўл чўзилиб ётар эди...

Турношоҳ икки энгилмас жангчини секин-аста Миср қўшини қўмондонлари даражасига кўтарди. Кутуз ва Бийбарс бошқариб турган ёвқур туркистонликлардан таркиб топган Миср қўшини атрофга даҳшат солиб турар эди. Улардан, айниқса, европалар ва араб насронийлари жуда қўрққич эди, шу сабабли улар келгиндиларни йўқ қилишга киришишди. Фаластинда ҳукмронлик қилаётган французлар курд ва Сурия араблари билан бирлашиб, мамулукларга қарши салб юришини бошлашди. Тўқнашув 1244 йил 12 ноябрда Ғазо сектори яқинида содир бўлди. Чингиз қўшини билан курашавериб метиндек куч, ғайрат ва иродага эга бўлган, Миср номидан майдонга чиққан Туркистон қўшини тарсолоар қўшма лашкарини ортиқча қийинчиликсиз енгиб, қўшимчасига Иерусалимни ҳам эгаллашди. 16 мингга яқин аскарини йўқотган салбчилар Иерусалимни қайтариб олишни орзу ҳам қилмай қўйишди.

Орадан олти йил ўтган, фаранглар қиролу Людовик IX навбатдаги салб юришини уюштирди. Бироқ бу иришиш улар учун навбатдаги фалокатга сабаб бўлди. Туркистонликлар калондимог фаранг рицарларининг яна додини бериб, тумтарақай тўзғитиб юборишди.

Энг сара рицарларининг Ўрта Осиёдан келиб қолган аллақандай жангчиларга тенг келолмаётганликларига сира чидай олмаётган европа-

ликлар ўзларининг машхур “парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил” ёки “уршуда ҳамма воситалар ҳалол” деган фирром нақлларига амал қилишиб, мамулукларнинг орасига фитна уруғини селишди, бир-бирига гиж-гижлаб, пароканда ҳолда йўқ қилишни режалаштиришди.

Фаранглар Мисрнинг маҳаллий амалдорларини ўзларига оғдирди, уларнинг кўрсатмасига кўра Турношоҳни тезлаб, амирлари Кутуз ва Бийбарсни йўқ қилишга кўндирди. Бироқ саройдаги фитналардан яхши хабардор бўлган туркистонликлар 1250 йил 2 май кунини хиёнат йилини тутган Турношоҳнинг ўзини қатл қилишди, аёлини малика сифатида тахтга ўтказишиб, сўнг амир Ойбекка хотинликка беришди. Бироқ рашқ ўтида ёнган малика араб хизматчиларига Ойбекни чавгон ўйинидан қайтиб, ҳаммомда ювинаётган жойида ўлдиртиради. Тахтни эса меросхўр деб билган навбатдаги мамулукка тахтга қилади.

Клеопатра европаликларни яхши ўрганган, дипломатик санъати билан Мисрни эгаллаган Рим қайсарларини ўз измига солган эди! XIII асрдаги мисрлик малика туркистонликларнинг мард ва тантиликларини афсуски, яхши билмас эди. Янги амир тахтдан қатъий воз кечди, хоин хонзоданинг жаллод хизматчилари отларга боғлана, чорпағли қилинди. Малика Қизил қалъага қамалди ва ёш қўл томонидан калтакланиб ўлдирди. Бу воқеа 1257 йили содир бўлди.

1258 йили Чингизхоннинг невараси Хулакухонга тегишли, “енгилмас” номи билан машхур нуён (амир) Кетбуға-найман бошқараётган қўшин Богдодни кўлга киритди, халифа қатл этилиб, Дамашқ ва Ҳалаб босиб олинди. Мусулмон оламнинг, маданиятининг буткул йўқ бўлиб кетиш ҳавфи пайдо бўлди. Навбат исломнинг сўнгги нажоти Мисрда келди. Шунда тақдирнинг ўзи Хоразмнинг азамат ўлини Музаффар Сайфиддин Кутузни тарих саҳнасига олиб чиқди.

1259 йили Миср тахтини Кутуз эгаллади. Мисрнинг энг улугъ Хеопс пирамидаси узра Хоразмшоҳларнинг байроғи ва дала ўтовиз қад ростлади. Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг “Жомеъ аз-завоир” асарида келтирилишича: “Кутуз ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ олдий халқ манфаатини кўзлаб қатор ислохотлар ўтказди, адолати ва меҳр-муруввати билан фуқаролари қалбининг тўридан жой олди. Унинг қўшинининг асосий қисми Султон Жалолиддиннинг Ахлат жангидега қатнашган аскарларидан таркиб топган эди. Уларнинг лашкарбошилари ва беқлари Баракатхон, малик Ихтиёрдинхон, малик Сайфиддин Содик Хунбуга, Носириддин Келчухон ибн Бек Арслон, Атласхон ва Носириддин Мухаммад Кумрий эди”. Тарихчининг маълумотларига қўшимча қилиб Кутузнинг диний бағрикенглик йўлини тутганлигини, қўшида ҳарбий интизомни қўйиб, порохни кенг қўллаш стратегиясини ишлаб чиққанлигини, туркий тил қўшин ва салтанатда бўлгани каби давлат маъмурий тили макомига кўтарилганлигини қайд қилиб ўтиш жоиз.

Фиръавнлар авлодлари ҳокимиятга интилишдан кўра туркистонлик султон ва жангчиларга хизматкор бўлишни маъқул топишди. Кетбуға ўзини жуда хотиржам сезади, чунки худудининг шарқ томони Синай чўли қўриқлар, ғарб томонда эса шериклик битими билан турган диндошлари — насроний рицарлар черковлари томидаги улкан тоҳлар кўришни турар эди. Кавказ томондан унга ёрдамга отланган салбчилар лашкари яқинлашиб қолганди. Жасур, лекин содда Кетбуға-нуён чўли билгани билан рицарларни яхши билмас эди.

Кутуз миссиясининг улғулигига тенг келадиган масъулиятли юк Яқин Шарқда балки минг йилларда ҳам ҳеч



ТУРКИСТОНЛИК ХАЛОСКОРЛАРИ

бир зот гарданига тушмаган. Унинг олганина мағлубияти ислом дини ва оламнинг тақдирига нуқта қўйиши мумкин эди. Буни яхши тушунган султон ақинлари билан кенгаш ўтказди ва шундай дейди: “Хулакухон улкан қўшини билан Турондан Эронга юриш қилди. На халифа, на султону маликлар унга қарши куч топа олишди. Барча жойни босиб олиб, Дамашққа қадар етиб келди. Агар оғасининг вафот этганлиги ҳақидаги хабар унга етиб келмаганда, Миср ҳам олдинги мамлакатлар қаторида бўлур эди. Шу сабабли у бу ўлкада кутурган шер ва аждарга ўхшаш Кетбуға-нуённи қолдириб кетган. Салтанатимизга бостириб келадиганларга қарши ун йўлдан бирини танлашимиз лозим: ёки таслим бўлиш, ёки ҳаёт-мамонт жангига киришиш, ёки Мисрни

рицарлар кенгаши мусулмон мамулуклар билан тил бириктириб, диндошларига қарши кураш режасини тузиш мумкинлиги Кетбуғанинг етти улаб тушига қирадиган иш эмас эди. Охириги дақиқалардагина рицарлар диндошларига қарши очикча курашишдан қайтишди, муртаб бўлишдан қўрқиди, бу хиёнатлари учун Европада уларни ҳеч ким кеңирмас эди. Бироқ фитна қонида бўлган рицарлар хиёнатнинг мўғуллар сезмайди-ган йўлини танлашди. Улар мусулмонлари Акра шаҳрига чорлаб, қўноқ қилишди, дам олиш ва ўзларини ўнглаб олишга барча шароитларни яратишди. Келишувга биноан, мамулуклар мўғуллардан тортиб олинган отларни арзон гаровга рицарларга сотишлари лозим бўлди. Ўзларини рицар деб атаган фитначи ва олиб-сотарларнинг мўғулларга қилган хиёнатлари уларни туркистонликлар назарида жирканч махлуклар қадар тубанлаштирди.

“ ХОРАЗМ АСИР-ЖАНГЧИЛАРИ МИСРНИ ЭГАЛЛАБ, ЭХРОМЛАР ВА ФИРЪАВНЛАР ВАТАНИДА БИР НЕЧА ЮЗ ЙИЛ ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШДИ. ГАРЧИ ТУРКИЙ ТИЛДА СУЗЛАБ, ФИКРЛАСАЛАР-ДА, МИСР ДАВЛАТЧИЛИГИНИ, АРАБ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ, ИНСОНИАТ ҚЎЛГА КИРИТГАН НОДИР ИЛМ-МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ БОСҚИНЧИЛАРДАН САҚЛАБ ҚОЛИШДИ, ҚАДИМГИ ИНШООТЛАР, КЎҲНА КУТУБХОНАЛАР ЁҚИЛМАДИ, БОЙЛИКЛАРГА БУРКАНГАН ФИРЪАВНЛАР МАҚБАРАЛАРИ ТАЛОН-ТОРОЖ БЎЛМАДИ. МУЗАФФАР САЙФИДДИН КУТУЗ, ШУБҲАСИЗ, МИСРНИНГ ЭНГ БУЮК СУЛТОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ТАРИХДАН ЎРИН ОЛДИ.

тарк қилиш. Маслаҳат беринг, ёшуллилар, қандай йўл тутамиз?” Кенгаш сўнггида Кутуз шундай фикр билдирди: “Айни вақтда Богдоддан Румгача бўлган ерлар хувиллаб қолган, улар на экин экиш ва на бино қуришга ярайди. Агар биз биринчи бўлиб ёвга қарши юрмасак, унда йўқ бўлган бошқа салтанатларнинг кунини Миср бошига тушажак. Самарқанд ва Ўттор каби Қоҳира кули кўкка совуриллажак! Ўртада Хоразм ва Мангуберди оға хуни масаласи ҳам бор. Қасос қиёматга қолмасин! Келинг, улар билан сўнгги жангга қирайлик, енгсак, мақсадга эришажамиз, бошқача бўлса, келажак авлодларимиз қарғишидан омон қоламиз!” Буни буюк амир Бийбарс Бундуктарий қўлаб чиқди. Қолганлар ҳам қўшилди. Кутуз ўз қўшинига ҳаёт-мамонт жангига тайёргарлик қўришга фармон берди.

1260 йили 3 сентябрь кунини Кутузнинг отлик қўшини Синай чўлини кесиб ўтиб, мўғулларнинг Ғазодаги бўлук(полк)ига кўққисдан ҳужум қилди. Кетбуға Кутузни тўхташ учун Назарет тарафга отланади. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, Кутузнинг отлари чўлини кесиб ўтиш вақтида чарқоқдан толган, дам олишга эса жой йўқ. Чўл шароитида отларнинг ҳорши жангнинг тақдирини амалда ҳал қилар эди. Кетбуғанинг ҳисоб-китоби аниқ ва тўри эди, бироқ хоинлик руй берди: Акрадаги Франция валиаҳди Жюльен бошчилигидаги салбчи

англатувчи, юрак урушини қувватлантирувчи гумбури ва бўрининг жон олар чоғидаги увуллашини эслатувчи карнай садолари остида саваш бошланди. Кутуз ҳамкори Бийбарс кўмондонлик қилган отлик авангар (авангард)ни Кетбуғанинг асосий кучларига қарши ташлади. Икки томон ҳам “ўрқо!” ҳайқирғи билан бир-бирига ташланишди. Дастлаб отликлар шиддат билан жангга киришди, Бийбарс енгиллаётгандек, ёлғондан чекинди. Кетбуға хатога йўл қўйди, ёнининг кетидан қувди, жарликлар ортада қолган замон, у ердан отилиб чиқиб келган бўлук(полк) кучлари Кетбуға қўшини ортидан ҳужумга ўтишди, буни кутиб турган Кутуз тулғам тактикасини қўлади, рақибнинг олдида айланиб ўтиб ёнидан зарба берди. Куршовга тушаётганини кўрган мўғуллар бир мuddат хушёрликни йўқотди, шу замон Бийбарснинг лашкари қочишдан тўхтади, ёвга юзланиб Кетбуға қўшини манглайдиган ҳужум қилди. Туркистон лашкарларининг кунини туғди, улар йймон учун, узокларда қолиб кетган Хоразм, ёниб қўл бўлган бошқент Самарқанд учун, беғуноҳ минглаб шахид кетган элдошлари учун асрлон каби жангга ташланишди, ўзларининг бор жанг санъатларини ишга солишди. Мамулуклар Кетбуға қўшинидан ҳеч кимни омон қўймади. Жанг майдони яқинида бўлган чангалзорларга яширинган мўғул жангчилари Кутуз буйруғига кўра ёқиб юборилди.

Найман амири байроқни асраб қолиш мақсадида туғни қўлида тутганча жанг майдонидан адир томон от солди, агар унинг аргумоғи найза санчиб ўлдирилмаганда, Кетбуға омон қоларди. Яраланган от қулади, маму-

луклар унинг устига ташланишди, Кетбуғанинг қўлларини орқага қилиб Бийбарснинг олдида олиб келишди. Қўлга олинган найман голиб амирнинг юзига тик қараб шундай деди: “Арабнинг динига кирган, уларга сиғинган, султони ўлдирган, эй турким! Мени ғилпа ўлдир, бўлмаса сени ўлдирман! Улсам, сенинг эмас, тангри истаги билан бўлган деб биламан. Қўп қувонма. Хулакухон қўшини яқинда бингақдай бостириб келади, жовлик киргинга беради!”

Кетбуғанинг айтгани амалга ошмади. Хулакухон унинг хуни учун бостириб келмади. Француз рицарларининг хиёнат Кетбуғанинг енгиллишида катта аҳамиятга эга бўлди, бу мағлубият билан чингизийларнинг зафарли юришлари га нукта қўйилди, мўғулларнинг иши орқага кетди, мамулуклар кучайиб, насронийлар юришлари тўхташилди. Кутузнинг ушбу тарихий ғалабаси эвазига Дамашқни ўз ичига олган Сурия туркистонликлар ҳукмронлигига ўтди.

Мўғомбир рицарлар ўзларининг шум сиёсатларини яна ишга солишди. Бийбарс олдига одам юборишди, аслида унинг султон бўлиши кераклигини айтишиб, Кутузга қарши қайрашди. Мўғуллар устидан қозонилган ғалаба эвазига Бийбарс Ҳалаб шаҳрига эга чиқишни режалаштирди. Бироқ Кутузнинг нияти бошқача эди. Бийбарснинг фикрича, айнан у ёвқур туркистонликларга бош бўлиб, 1244 йили Ғазода франк-сурия қўшинини тор-мор қилди, 1250 йили фарангларнинг енгиб, шахсан француз қиролини қўлга олган эди. Уша вақтда Турношоҳни ҳам айнан у ўлдирган эди. Кетбуғанинг ҳарбий босимини ҳам айнан у қайтара олди. Бироқ ҳамма обрў-эътибор Кутузга теғди, барча Хоразмшоҳ авлодини кўкка кўтарар эди.

Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун мўғулларга баш келадиган биргина баҳодир невараси Жалолиддин Мангубердини онаси қипчоқ бўлмаганлиги учун ёқтирмас эди, Жалолиддинни тахтдан нарин қилди ва шу билан Туркистон салтанатининг бошига етди. Бийбарс Туркон Хотун авлоди эди. Йўлдан озган Бийбарс қипчоқ амирлари билан тил бириктириб, Кутузга суиқасд уюштирди. Мисрга қайтаётган Кутуз йўлда овни кўмсиди. Шикор ортидан қувиб кетиб, соқчилари деб ажаллади. Овлоқ жойга бориб тўхтаганда ёнига Бийбарс келиб, ўзига асирга қизни қанизакликка сўрайди. Кутуз рози бўлган, Бийбарс султонига таъзим қилиш учун эгиллиб борди ва унга қилиш санчди. Қолган фитначилар отдан йиқилаётган Кутузга ўқ узишди. Салбчилар ва чингизийлар енгилмаган баҳодир Кутуз мана шундай тарзда жон таслим қилди. Бу воқеа 1260 йил 24 октябрь кунини руй берди. Орадан жуда кўп вақт ўтди. Мазкур воқеанинг кўп жихатлари сиригича тарих қарийда қилиб кетди.

Кутузнинг ўрнига ҳокимиятга келган Бийбарс фарангларнинг асл ниятини тушуниб етди, султонлик тати-маган мамулук биродарини ўлдирганлик аламини бошқалардан олди. Мусулмонлардан бўлак ҳамма таъқиб ос-

туркий қўшин пайдо бўлгандан кейин, XII-XIII асрда Миср ва Сурияда истеъмолга киритилган. Бу терминдаги аффикс -лик, -лук соф туркий эғалик, тегишлилик қўшимчаси ҳисобланади. Маму эса қорачой тилида бўри бўлиб, мамулук ёки мамлук “бўридек кучли” маъносини англатади. Буюк давлатнинг улугъ султонлари ўзларини қул маъносини англатувчи ном билан аталишига рози бўлиши мантқиқсизликдир.

Биринчи араб жамиятшуноси Ибн Халдун (1332-1406) «Китаб ал-кибар» асаридега мамулуклар ҳақида сўз юрият экан, мусулмонларнинг ҳаёти ҳақида тўхталиб, тақдир уларнинг бошига салбчилар ва мўғуллар босқинини солганда, тангри кучли туркий ўғлонлардан таркиб топган мамулуклар орқали Мисрни метин қалъага айлантирганлигини ифтихор билан қайд қилади.

Туркистонлик қаҳрамон асир-жангчилар Мисрда, Сурия ва Ироқ шимолида, шунингдек, Онадўлнинг жануби-ғарбига кўним топишди. Ироқ шимолида ҳозирга қадар яшаётган хоразмлик мамулуклар авлодларини туркманлар, Онадўлда эса уларни хурзумлу деб аташади. Хурзумлулар Эгей денгизи қирғоғида жойлашган Маниса вилотида яшаб келишмоқда.

Хоразм асир-жангчилари Мисрни эгаллаб, эҳромлар ва фиръавнлар ватанида бир неча юз йил ҳукмронлик қилишди. Гарчи туркий тилда сўзлаб, фикрласалар-да, Миср давлатчилигини, араб маънавий дунёсини, инсоният қўлга киритган нодир илм-маданият ёдгорликларини босқинчилардан сақлаб қолишди, қадимги иншоотлар, кўҳна кубухонолар ёқилмади, бойликларга бурканган фиръавнлар мақбаралари талон-торож бўлмади. Музаффар Сайфиддин Кутуз, шубҳасиз, Мисрнинг энг буюк султонларидан бири сифатида тарихдан ўрин олди.

Мисрлик ижодкорлар Кутузни маҳд қилиб қатор бадиий-тарихий асарлар яратган. Жумладан, ёзувчи Нуриддин Халилнинг “Сайф ад-Дин Кутуз-қоҳир ал-муғул [Мўғулларни енгган Сайфиддин Кутуз]” асари 2005 йили Қоҳирада босилиб чиқди, бундан ташқари Миср халқи Бийбарс ва Кутуз қаҳрамонликларини маҳд қилувчи икки жилди “Ас-сира аз-Захирийа” (Захирийнинг ҳаёт йўли) халқ романи яратишган. Унда Бийбарснинг онаси Хоразм маликаси эканлигига урғу берилганки, бу жиҳат ҳам ўрганишни талаб қилади.

Мамулуклар даврида қўллаб йимий, тарихий, қомусий асарлар майдонга келди, илк мусулмон энциклопедиялари тузилди. Улуғ қурилишлар, мадрасалар, кутубхоналар бунёд этилди. Миср ҳукмати томонидан ёдгорлик сифатида химоя қилиб келинаётган мамулуклар даврида қурилган улуғвор қосоналар, ҳашаматли бино ва иншоотлар Хиндистондаги Тожмаҳал каби ҳануз Қоҳирада виқор ва салобат билан туркистонлик қаҳрамонларнинг шонли тарихидан шохидлик бериб туришибди.

Эркин МУСУРМАНОВ,
филология фанлари доктори,
Ориф ХОЛИҚУЛОВ

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

Тарихчиларнинг ёзишича, Алишер Навоий бадий адабиётдан ташқари фалсафа, ман-тик, риёзиёт, тарих ва бошқа фанларни синчиклаб ўрганган. Тиббиёт билан ҳам қизиққан. Чунки ўрта аср донишмандларининг аксарияти жумладан, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Абу Носир Муҳаммад ал-Форобий ва бошқалар тиб илмини синчиклаб ўрганганлар, бу соҳага оид асарлар ёзганлар. Бинобарин, Алишер Навоий ҳам буюк шоир ва йирик давлат арбоби бўлиш билан бирга йирик олим ҳам эди.

Абулайсийнинг муносиб шогирди

Шоир ёшлигида Самарқандга келиб, ўша даврнинг машҳур олимларидан бири бўлган Хожа Фазлulloҳ Абулайсийдан таълим олади. Бу ҳақда Хондамир шундай маълумот беради: "Навоий Султон Абусаиднинг подшоҳлик даврида зўр олим ва донишмандлиги туфайли иккинчи Абу Али ибн Сино лақабини олган мударрис жаноби Хожа Фазлulloҳ Абулайсийнинг хузурига — Самарқандга бориб, у жанобнинг хонақоҳидан хужра олди".



Алишер Навоийнинг таъкидлашича, табиб «ўз фанининг моҳир билимдон бўлиши керак. У донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи лозим, мулоим сўз ва бе-мор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфелъ бўлмоғи керак».

Бундан кўриниб турибдики, Алишер Навоий табиблар олдига жуда масъулиятли талаблар қўйган. Дарҳақиқат, агар у касби-ни яхши ўзлаштирмаган, саёз фикрли, тажрибасиз табиб бўлса, қандай қилиб беморнинг касалини аниқ-лай олади? Касални аниқ-лай олмаган табиб, уни даволай олмайди ҳам.

Бунга у алоҳида эътибор берган.

Улуғ шоирнинг табиблар олдига қўйган талабларидан яна бири «беморларга раҳм-шафқат билан муо-мала қилиш лозимлиги»-дир. Бу ерда Навоий табиб-лик касбини бошқа ҳамма касблардан ажратиб турувчи асосий сифати — инсонпарварлик ҳақида сўз юртади. Ки-шилар табибларга ўзлари-нинг энг бебаҳо бойлик-ларини — ҳаётларини ишо-ниб топшириб қўяр экан-лар, демак, улар бу бебаҳо бойликни қадрлашарди, беморларга раҳм-шафқат билан муо-мала қилишлар-и, уларнинг ҳаётлари ва

саломатликлари ҳақида қайғуришлари зарур. Табибнинг энг юксак вазифаси — кишини хасталик азобидан қутқаришдир. Аммо ҳаётда табиблар орасида беморларга нисба-тан бешафқат ва бе-фарқ муносабатда бўлу-вчилар ҳам учрайди. Али-шер Навоий замонида ҳам шундай табиблар бўлган-лиги табиий. Шоир бундай табибларнинг халқ соғли-ғига келтирадиган зарари-ни англаб, улар олдига катта талаблар қўяди.

Алишер Навоийнинг фикрича, табиб «асли тиб илмига табиати келиш-моғи лозим», яъни таби-да шу илмга нисбатан

қобилият бўлмоғи керак. Бу жуда тўғри фикр. Улуғ юнон ҳақими Гиппократ «тиббиёт барча санъатлар ичида энг улуғдир», де-ган эди. Ҳақиқатан ҳам та-библик касби санъатдир. Бинобарин, у барча санъ-атлар сингари маълум қобилиятни талаб қилади. Тиб китобларини ўқиб, ўзлаштирган ҳар ким ҳам яхши табиб бўлавермайди. Буни Алишер Навоий яхши тушунган.

Табиблик касби ҳунар эмас, балки билимдир. Шундай экан, тиббиётнинг назарий ва амалий томон-лари бор. Бу билим аср-лар давомида ривожла-ниб, такомиллашиб бора-ди. Янги назарий асослар ва амалий тажрибалар билан бойийди. Бу ҳақда Шарқнинг буюк алломаларидан бири, машҳур тиб олими Абу Бакр ар-Розий бундай деб ёзган эди: «Тиббиёт илми жуда ўзбек асрлар давомида ривож-ланиб, такомиллашди. Бунда мингларча буюк табибларнинг хизмати бор. Шунинг учун кимки, уларнинг асарларини кўн-т билан ўқир ва унинг моҳиятини англай экан, у ўзининг қисқа умрида жуда кўп касалларни кўздан кечириб, ортти-рган тажрибаларига нисба-тан кўпроқ нарсани би-либ олиши лозим, чунки бир киши, у ҳатто минг йил умр кўрса ҳам, ўзи-дан илгари ўтган алло-маларнинг тажрибаси билан таниш бўлмаса, фақат ўз қузатувлари билан тиббиёт илмини етарли даражада эгаллай олмайди».

Алишер Навоий ҳам шунга ишора қилиб, табиб-лик касбини эгалламоқчи бўлган ҳар бир инсон ўтмишдаги бу соҳа дониш-мандларининг асарларини кўн-т билан ўрганиши ва уларни ўз фаолиятида тат-биқ қилиши зарурлигини уқтиради.

Гулзода НЕГМАТОВА,
Самарқанд вилоят андрокринология диспансери бош шифокори

Маънавият

ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИНГ ИЛК КИТОБЛАРИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Биринчи китобим" лойи-ҳаси доирасида 15 нафар ёш ижодкорнинг чоп этилган кито-блари тақдими бўлиб ўтди. Ёзувчилар, шоирлар, драматург-лар, адабиётшунос олимлар, таржимонлар, ёш ижодкорлар иштирокидаги маросимда Ўзбекистон халқ шоири, уюшма раиси Сирожиддин Саййид муаллифларга қалам ҳақи ва китобларини топширди. Уларни илк китоблари билан муборак-бод этди.



Тадбирда уюшма раисининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Бо-тиржон Эргашев сўзга чиқиб, 2018 йилда Зомин семинарида қатнашган, устозлар томонидан ижодий ишлари юқори баҳоланган ёш ижодкорлар-ни, шунингдек, вақтли матбуотда асарлари доимий равишда чоп этиб келинаётган умидли ёшларнинг илк тўпламлари билан танишиб чиқдик, дея таъкидлади. Албатта, бу жара-ёнда устоз адибларимиз йўналишлар бўйича ёшларнинг асарлари билан яқиндан танишишди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари асосида шеърят, наср, бадий публицистика ва дра-матургия бўйича жами 37 нафар ижодкорнинг асарлари танлаб олин-ди. Бугунги тақдиротга эса, шулар-нинг 15 нафарини олиб чиқдик.

Жумладан, Махлиё Умрзоқованин-г "Туйғулар алангаси", Анвар Ботир-нинг "Улғайиш", Бобур Ҳамронинг "Широкнинг қайтиши", Яхё Фаёзнинг "Бахтимизнинг зар туморлари", Юл-дуз Ўрмонованин-г "Уйғоқ юлдузлар", Мирзохид Музаффарнинг "Фош", Ак-мал Турсуновнинг "Бургутқоя", Раҳ-мат Бобононнинг "Изтироб шивирин", Анвар Аллабергановнинг "Гуллаётган чечаклар", Бек Алининг "Мен ахир сенман", Асрор Солижоннинг "Сев-гиранг нигоҳ", Мадина Норчаеванин-г "Кафтадаги йўл", Азизбек Норованин-г "Эйнштейн жумбоғи", Рахшона

Аҳмедованин-г "Орзу ва денгиз" ҳамда Абдурауф Зокировнинг "Она замин" китоблари ўқувчилар эътиборига ҳаво-ла этилди.

Маълумки, мамлакатимизда барча соҳалар қаторида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Бу борада сама-рали ишлар амалга оширилмоқда. Ху-сусан, ўтказилган лойиҳа доирасида-ги тақдирот ҳам ана шундай тадбир-ларнинг намунасидир. Унда респу-бликамизнинг барча вилоятларида ижод қилаётган ёшларнинг истеъдо-длари кашф қилинди. Ушбу китоблар 2018 йилда Ёзувчилар уюшмаси то-монидан ўтказилган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида нашрга тасвир қилиниб, "Ижод" жа-моат фонди томонидан молиялашти-рилди. Лойиҳа доирасида ҳар бир му-аллифининг китоби "Adabiyot" нашри-ётида 10 000 нусхадан чоп этилди.

Тақдирот маросимида сўзга чи-қан адабиётшунос Раҳмон Кўчқор, шо-ири Фариди Афрўз, драматург Кўчқор Норқобил илк китобларнинг масъули-яти ва ижодий тажрибалари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Тақдирот маросими якунида йиғин ахлига "Биринчи китобим" лойиҳасида чоп этилган тўпламлар тарқатилди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА,
журналист

Тафаккур

Ҳар қанча яхшилик кўрсатилса ҳам, душман қўлидан душманлик-дан бўлак иш келмайди.

Абдураззoқ САМАРҚАНДИЙ

Сенга эзгулик кўрсатганга эзгу-лик қилгин.

Махмуд ЗАМАХШАРИЙ

Сенга иши тушган одамни асло ранжитма.

Имом МОТУРИДИЙ

Кун иқтибоси



Ҳеч қандай давлат пули деган нарсая йўқ. Пуллар фақат солиқ тўловчи халқники ҳисобланади... Солиқ тўловчилар давлат амалдорлари бу пулларни қандай сарфла-ётганини кузатиши керак ва бунга маж-бурдирлар!

Маргарет ТЭТЧЕР
1979-1990 йиллар Буюк Британия бош вазири

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот котиби иш юритувчиси Дауыт Абибуллаевга отаси

Есемурат ота ХАБИБУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таҳририятга хат

“Гель, қоғозни билмай олиб қўйибман...”



Таҳририятга келиб тушган навбатдаги муро-жаат Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, "Де-гантепа" МФЙда яшовчи ҳамюртимиз М. Туронова-га тегишли. Куйида ари-занинг қисқача мазмуни-ни келтириб ўтамиз:

"Мен, Туронова М.З. 2019 йил 1 август куни Тошкент шаҳар Бектемир туманида-ги "Techno Continental" қўшма корхонаси МЧЖга ишга кирдим. 2020 йил 8 октябрда ўша ерда ишла-дим. 8 октябрда мени асос-си эълан бўлаётган бўла-тишди. Ишхонада аёллар кийиниш жойидаги шкафлар текширилибди. Айнан шу куни чамаси 16⁰⁰-16³⁰ ларда мени аёллар кийиниш хона-сига бирга ишлайдиган бир киз орқали чақиртиришди. Чақирилган жойга борганим-да кадрлар бўлими ходими гаджади кулфи ишламайдиган шкафимнинг олдига туриш-ган экан. Шкафимнинг эши-ги очик, кийимларим титки-ланган экан.

Улар менга "шкафингдан антисептик гель, мато, пичоқ ва ҳожатхона қоғози чиқди. Тан ол, ишхонанинг нарсаларини ўзингга олгансан", деб босим ўтказишни бош-лашди. Босим остида, шу-нингдек, карантин даврини иш-си эълан қолмай, кредитим бор, деб ўйлаб, "матери-ални намоз ўқиш учун ол-ганим"ни айтдим. Қолган нарсаларни ҳам зарур бўлиб қолгани учун олганимни, бошқа қайтарилмаслигини айтдим. Бунга ўз тушунтириш хатимда ҳам тасдиқлаб, уз-иримни ёзма равишда ҳам келтириб ўтдим.

Шундан сўнг менга кадр-лар бўлими ходими Ҳамидулла-лахўжаева Г.Н. бўлаш тўғри-сидаги ариза нусхасини бе-риб, кўчириб беришимни сўради. Менин-г "бошқа ило-жи йўқми, бошқа тақдорлан-майди" десам, "бошқа ишга-ям олмайди" қилиб бера-ман" деб айтиб, кўриктиди.

Оилада бир ўзим ишлар-дим. Онамнинг соғлиқлари яхши эмас. Уларни тез-тез шифохонада даволатишга

тўғри келади. Бунинг устига зарурат туфайли банкдан кредит ҳам олганман. Шу-ларни ўйлаб, ҳақиқатдан ҳам бошқа жойга ишга кирол-маслигим мумкинлигидан кўржиб, босим остида бўлаш тўғрисидаги аризани ёздим. Ишхонадаги хатти-ҳара-катлардан, менга нисбатан босим ўтказилганидан норо-зи бўлиб, Бектемир тумани ИИО ФМБ 3-сонли ИИБга ариза билан мурожаат қил-дим. ИИБга ишхонадагилар ёзган тушунтириш хатлари-да ҳаммалари ҳар хил гапни ёзишган. Айниқса, кадрлар бўлими ходими Ҳамидулла-хўжаева менин-г ўз хоҳишим билан бўлаш тўғрисидаги ариза берганимни ёзибди. Гўёки, ўзим тайёр ишимдан кетишга қарор қилганмиш-ман.

Сизлардан илтимос, ўз ишимга қайта тикланишим-га ёрдам берсангиз. Бугун иш топшининг ўзи осонмас, топган тақдиримда ҳам, мени "аввалги ишида ўғри-лик қилган" деб айблашлар-ини истамайман".

ТАҲРИРИЯТДАН: Албатта, мурожаатчи синглимизнинг иш жойидаги жамоат мулкни ўзлаштириши билан боғлиқ хат-ти-ҳаракатини оқлаб бўлмайди. Зотан, ўғрилиқнинг катта-кичиги бўлмайди. Аммо жамоа раҳбарияти айна вақтда бемор онасининг дуосини олишга интилаётган ҳамкасбига яна бир бор имконият беришга яхши бўлармиди? Ахир, бу буюмлар инсон тақдирини азиз эмас. Шу билан бирга, ушбу мурожаатга меҳнат муҳофазаси билан шуғулланувчи тегишли ташкилотлар алоҳида эътибор қаратишига умид қиламиз. Қонунчилигимизда белгиланганидек, айб иш қил-ган ходимга нисбатан ҳайфсан, огоҳлантириш ёки бошқа турдаги жазо чораси қўлланилиши ҳам мумкин эди-ку.

Яна бир гап. Халқ манфаати учун ажратилган маблагларни ўз "ҳамёни"га ўтказиб олаётган айрим хиёнаткор "амалдорлар"ни шу корхонадагидек кескин жазолашса, қани эди...

“Ички ишларга мурожаат қилдим, фойдаси бўлмади...”

Бухоро шаҳридаги К.Муртазов кўчаси, 4/1 уй, 24-хонадонда истиқомат қилувчи Азиза Канагатова шундай ёзди:

"Шуни ёзиб маълум қиламанки, 339-32... рақамдан кимдир кечаси 1,5-2 ларда безовта қилиб, турли хил ҳақоратлар ёзиб, тинчимни бузаяпти. Кимлигини ҳалигача билмайман. Тинчимни бузаятганларни топиб, қонуний чора кўришларини сўраб, Бухоро вилоят ИИБга ва Бухоро шаҳар ИИБга ёзма мурожаат қилганман. Лекин ҳалигача ёрдам беришмади..."

Қонуний манфаатларимни, ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиш-га ёрдам беришингизни илтимос қилиб сўрайман".